

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУХАМЕДОВА МАЛИКА МУРТАЗОЕВНА

**COVID-19 ДАН КЕЙИНГИ ЎТКИР КОРОНАР СИНДРОМ ЯКУНИ
ИСТИҚБОЛИНИНГ ГЕМОДИНАМИК ВА ИММУНОЛОГИК
ПРЕДИКТОРЛАРИ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.06 - Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Мухамедова Малика Муртазоевна

COVID-19 дан кейинги ўткир коронар синдром якуни истиқболининг
гемодинамик ва иммунологик предикторлари.....3

Мухамедова Малика Муртазоевна

Гемодинамические и иммунологические предикторы исхода острого
коронарного синдрома после COVID-19.....25

Mukhamedova Malika Murtazoevna

Hemodynamic and immunological predictors of the outcome of acute coronary
syndrome after COVID-19.....47

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУХАМЕДОВА МАЛИКА МУРТАЗОЕВНА

**COVID-19 ДАН КЕЙИНГИ ЎТКИР КОРОНАР СИНДРОМ ЯКУНИ
ИСТИҚБОЛИНИНГ ГЕМОДИНАМИК ВА ИММУНОЛОГИК
ПРЕДИКТОРЛАРИ**

**14.00.36 - Аллергология ва иммунология
14.00.06 - Кардиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Tib2581 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида ва Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази вирусология илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Ганиева Шахзода Шавкат кизи
тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Кенжаев Мажид Латипович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Абдурахманов Мамур Мустафоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джаббаров Озимбай Отаханович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Россия Фанлар Академияси Урал бўлими
Имунология ва физиология институти
(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли илмий кенгаши асосидаги бир марталик илмий кенгашининг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувоний кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865)-223-00-50; тел: (+99895) 911-00-50; e-mail: info@bsmi.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувоний кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865)-223-00-50).

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Юрак қон-томир касалликлари бутун дунёда ўлимнинг асосий сабаби бўлиб қолмоқда ва беморларнинг ҳаёт сифати ва ижтимоий-иқтисодий жихатларга сезиларли таъсир кўрсатади. Кўплаб тадқиқотлар натижасида юрак-қон томир тизими касалликлари янги коронавирус инфекциясининг (COVID-19, Coronavirus Disease 2019) оғирлашишининг асосий хавф омилларидан бири бўлганлиги ва шу билан бир қаторда постковид синдром юрак касалликларини оғирлашувига олиб келиши исботланди, «...COVID-19 инфекциясини ўтказган ва юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда ўткир коронар синдром ривожланиши предикторларини ўрганиш энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда ...»¹

Дунёнинг турли мамлакатларида бир қатор тадқиқотлари асосида С-реактив оксил ва ИЛ-6 даражалари ўткир коронар синдромнинг ривожланиши учун мустақил хавф омиллари бўлиб, шунингдек миокард инфарктининг кечишини оғирлигини белгиловчи кўрсаткич сифатида касалликларни ташхислаш стандартларига киритилди. Яллиғланиш ва атеросклероз ривожланиши ўртасидаги патогенетик боғлиқликнинг исботланганлигига, шунингдек SARS-CoV-2 нинг цитопатик таъсирининг патогистологик далилларига қарамасдан, ҳозирги вақтда COVID-19 нинг атеросклерознинг прогрессияланишига бевосита таъсири ҳақида ишончли маълумотлар йўқ.

Жаҳон миқёсида юрак қон-томир касалликлари шаклланишининг иммун механизмларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. SARS-CoV-2 нинг АПФ2 орқали кириб бориши натижасида эндотелиал хужайраларнинг бевосита шикастланишидан келиб чиққан яллиғланиш қонда протромботик ўзгаришларни келтириб чиқаради. Буларнинг барчаси моноцитларнинг миграциясининг ошишига, хемокин SDF-1 (stromal cell-derived factor-1) ишлаб чиқаришнинг кўпайишига, бляшканинг тез ўсишига, унинг беқарорлашишига ва охир-оқибат ўткир коронар синдромнинг ривожланишига олиб келади. Ўз навбатида, тизимли яллиғланиш тромботик фаолликни сезиларли даражада оширади ва юқоридаги омиллар билан биргаликда коронар артериялар эндотелийси шикастланган жойда тромбоз ривожланишига ҳам ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий ҳимоя, тиббиёт тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш, умр кўриш давомийлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонида биноан аҳоли

¹ Бубнова Марина Геннадьевна, Персиянова-Дуброва Анна Леонидовна, Лямина Надежда Павловна, Аронов Давид Меерович Реабилитация после новой коронавирусной инфекции (COVID-19): принципы и подходы // CardioСоматика. 2020. №4.

саломатлигини таъминлаш вазифалари доирасида ҳудудларда бирламчи тиббий хизматни “бир қадам” тамойили асосида ташкил этиш ва бирламчи тиббий хизматни ташкил этиш бўйича аҳолига сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида маҳаллаларда тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур чора-тадбирларни кўриш кўзда тутилган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2022-йил 16-июндаги «Аҳолига шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-283-сон қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «...Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган стратегияси...»² ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юрак-қон томир касалликлари, шу жумладан ўткир коронар синдром (ЎКС) меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўлими ва ногиронлигининг асосий сабабларидан бири бўлиб қолмоқда. Замонавий тушунчаларга кўра, эндотелиал дисфункцияси ЎКС ривожланишида муҳим аҳамиятга эга, иммунологик бузилишлар эса ЎМИ кечишининг оғирлигини ва баъзан унинг оқибатини белгилаб беради (Хусаинова Л.Н. ва ҳаммуал. 2013).

Бугунги кунда коронавирус инфекциясида юрак қон-томир тизимининг (ЮҚТТ) шикастланишининг потенциал механизмлари миокардит ривожланиши билан миокарднинг тўғридан-тўғри шикастланиши, прогрессирловчи гиперкоагуляция туфайли микротомирлар тромбози, ўткир коронар синдром ривожланиши билан атеросклеротик пиллакчаларнинг беқарорлашиши ҳисобланади. Бу ўзгаришлар COVID-19 билан ривожланадиган яққол ифодаланган тизимли яллиғланиш (“цитокин бўрони”) ва беморларни даволаш учун ишлатиладиган вирусга қарши препаратларнинг токсик таъсирининг натижаси бўлиши мумкин. Бундан ташқари, коронавирус инфекциясидан кейин беморларда ЮҚТТ нинг узок

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони

муддатли сурункали шикастланишининг мумкин бўлган механизмлари ҳали ҳам номаълум (Xiong T.Y., Redwood S., Prendergast B., Chen M. 2020, Тарловская Е.И. 2020).

Клиник амалиётда ЮҚТТ нинг ўткир шикастланиши биринчи навбатда тропонин миқдорининг ошиши билан белгиланади. Коронавирус инфекциясида юракнинг ўткир шикастланишининг потенциал механизмлари вирусли ва вирусли бўлмаган миокардит, “цитокин бўрони”, диссеминирланган қон ивиш синдроми (ДҚИС) ривожланиши билан коагулопатия, симпатоадренал тизим фаоллигининг ошиши, ўткир респиратор дистресс-синдром ва оғир гипоксия ҳисобланади (Xu Z., et al. 2020, Alhogbani T. 2022).

SARS-CoV-2 томонидан чақирилган инфекция асосан клиник жиҳатдан вирусли пневмония ва ўткир респиратор дистресс-синдром сифатида ифодаланади. Бироқ, инфламатор цитокинларнинг назоратсиз чиқарилиши натижасида келиб чиққан “цитокин бўрони” кўплаб аъзоларнинг, шу жумладан юрак-қон томир тизимининг зарарланишини келтириб чиқаради. Юрак қон-томир манифестацияларини келтириб чиқарадиган яна бир механизм - бу дискоагуляция ва тромбоземболик ҳодисалар бўлиб ҳисобланади. Шунингдек кузатувларнинг кўрсатишича, кардиовасуляр касалликлар ёки эркак жинси, катта ёш, диабет, гипертензия ва семизлик каби кардиовасуляр касалликларнинг хавф омиллари бўлган пациентлар, SARS-CoV-2 томонидан чақирилган юқори ўлим даражасига эга (Tau M.Z., Poh S.M., Rénia L. et al. 2020).

Галектин-3 бўйича тадқиқотлар натижалари турли популяцияларда бир-биридан фарқ қилади. Ушбу пептид, кўп қиррали биомаркер сифатида, юрак-қон томир касалликларининг турли босқичларида юзага келиши мумкин бўлган иммун-яллиғланиш жараёнларида иштирок этади (Гадаев А.Г. ва ҳаммуал. 2020).

Ўткир коронар синдромда эндотелиал ўсиш омилининг юқори даражаси қон томир тизими декомпенсацияси белгиси сифатида хизмат қилади ва амалиётда нафақат диагностик, аммо прогностик аҳамиятга ҳам эга ҳисобланади (Аляви А.Л. ва ҳаммуал. 2022).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (05.2022 PhD 159) “COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усулларини ишлаб чиқиш” (2022-2026 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Коронавирус инфекциясидан кейин миокард шикастланишининг иммунологик ва кардиоспецифик маркерларини ўрганиш ва ўткир коронар синдромнинг предикторларини ишлаб чиқишдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 дан кейин ўткир коронар синдром кечишининг клиник ва функционал хусусиятларини ўрганиш;

Постковид синдроми мавжудлигига қараб ўткир коронар синдром бўлган беморлар қонининг иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларини ўрганиш;

Ўткир коронар синдром гемодинамик параметрлари билан иммунологик ва кардиоспецифик кўрсаткичларининг корреляцион таҳлилинини ўтказиш;

Постковид синдроми бўлган беморларда ўткир коронар синдромнинг миокард инфарктига ўтишини башорат қилувчи белгиларни аниқлаш;

Постковид синдроми бўлган беморларда ўткир коронар синдром оқибатининг предикторларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг кардиореанимация бўлимига ётқизилган 124 бемор ўКС (ностабил стенокардия, ST сегмент кўтарилишсиз (STкўКС) ва ST сегмент кўтарилиши билан (STкбўКС) ўМИ га трансформацияланган ўКС: 1-гуруҳ коронавирус инфекциясини ўтказган постковид синдромли 62 бемор ва 2-гуруҳ постковид синдромсиз 64 беморлар гуруҳи, назорат гуруҳи тасдиқланган юрак-қон томир касалликлари бўлмаган 30 кишидан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун периферик қон ва қон зардоби, юрак қон-томир тизиминининг функционал ва инструментал текширувлари натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацион тадқиқот ишида умумклиник, биокимёвий, иммунологик, функционал, антропометрик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Коронавирус инфекциясининг юрак-қон томир асоратлари ва постковид синдроми бўлган беморларда ўткир коронар синдром ривожланишининг хавф омиллари ўрганилган;

Постковид синдроми билан кечадиган ўКСда IL-6, VEGF-A нинг 2 маротаба юқори концентрацияда аниқланиши ишемик неоангиогенез ва коронар томирлар эндотелийининг яллиғланиш инфильтрациясини акс эттирувчи предикторлар сифатида, коронавирус инфекцияси билан боғлиқ бўлмаган ўКСда IL-1 ва TNF α нинг ошиши ўКСда миокарднинг ишемик шикастланишига жавобан яллиғланиш цитокинларини ишлаб чиқаришга қаратилган эндоген реакция предикторлари сифатида белгиланган.

GRACE шкаласи натижаларининг, IL-6 ва коронавирус инфекциясининг оғирлик даражаси билан кучли ижобий корреляцион боғлиқликлари ўКСни башорат қилувчи сифатида постковид синдроми бўлган беморларда ушбу цитокиннинг юқори прогностик қийматини кўрсатди. Постковид синдроми бўлган беморларда IL-6 нинг сезиларли даражада юқори концентрацияси коронавирус инфекциясига жавобан ушбу цитокиннинг ошиши аниқланди. Коронар тромбоз ва эндотелиал дисфункция предикторлари сифатида

CD40L, VEGF-A ва IL-6 аниқланди. Неоангиогенез жараёнларини акс эттирувчи цитокин VEGF-A беморларнинг ёши ва коронавирус инфекциясининг оғирлик даражаси билан кучли мусбат боғлиқлиги аниқланган.

ЎКС билан оғриган барча беморларда D-dimer, фибриноген ва CD40L нинг тромботик асоратлар ривожланишида прогностик қиймати исботланган.

Матрицали металлопротеиназа MMP-9 ва CD40L нинг атеросклеротик пилакча беқарорлашувининг предикторлари сифатида прогностик қиймати исботланди. ЎКСнинг биринчи кунда қон зардобиди NT pro BNP даражасининг ошиши ва Тропонин Т билан кучли мусбат корреляцион боғлиқлиги оксидловчи стресс ва кардилмиоцитлар некрозининг оғирлик даражасини башорат қилиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЎКС ривожланишини эрта башорат қилиш учун қонда фибриноген, IL-6 ва CD16L ни биринчи йилда ҳар чоракда динамикада, кейинги 2 йил ичида эса ҳар ойда аниқлаш тавсия этилади. Бирламчи соғлиқни сақлаш тизимида ЮИК бўлган беморларда ЭхоКГ ва дуплекс ангиосканлаш ёрдамида юрак ва қон томирларини реструктуризациясини аниқлаш ва ЎКСда беморларни касалхонага ётқизишнинг биринчи кунда эндотелиал шикастланиш предикторлари VEGF-A, IL-1 ва IL-6 ни аниқлаш тавсия этилган.

Оилавий поликлиникалар, кўп тармоқли ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари кардиологларининг амалий фаолиятига стационар даволаниш частотасини камайтириш орқали юрак томирлари касаллиги бўлган ҳар бир беморга йилига 4,486,600 миқдорида иқтисодий самарадорликка эришиш учун ЎКС хавф омиллари ва прогностик мезонларини киритиш тавсия этилган. ЮИК бўлган беморларда ЎКС ривожланишининг эрта олдини олиш ва постковид синдроми билан ЎКСнинг дифференциал диагностикаси учун зардобдаги атеротромбоз омиллари D-димер ва фибриногенни, липид спектри, IL-6, CD40L ва VEGF-A цитокинларини таҳлил қилиш тадбиқ этилган.

Коронавирус инфекциясига чалинган беморларда постковид синдромини ташхислаш учун COVID-19 IgG антителоларини ўрганиш билан цитокин ҳолатини кузатиб бориш, ЎКСнинг олдини олиш ва юрак-қон томир касалликларини даволаш режасини тузиш тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда замонавий, бир-бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий, иммунологик тадқиқот усулларида фойдаланиш, шунингдек, текширилган беморларнинг етарли сони, статистик таҳлил усуллари оқилона тўпламидан фойдаланиш ва тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар материаллари билан таққосланганлиги, натижалар ва хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланиши билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган тадқиқот асосида клиник хусусиятлар ва цитокин ҳолати ўрганилган, постковид синдромининг мавжудлигига кўра қоннинг функционал ва биокимёвий кўрсаткичлари баҳоланган, иммунологик кўрсаткичларнинг ЎКС нинг

ривожланиш хавфи билан боғлиқлиги аниқланган. Ушбу тоифадаги беморларда асоратлар олдини олиш ва беморларни олиб бориш бўйича самарали дастур ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижаларга асосланиб, амалий соғлиқни сақлаш учун постковид синдромни ва иммун яллиғланиш маркёрларини инобатга олган ҳолда юрак қон-томир касалликлари учун хавф омилларини баҳолаш дастури таклиф этилган. Бу умумий амалиёт шифокорлари, кардиологлар ва терапевтларга олиб бориш тактикасини танлаш, даволашнинг мақбул усулини танлашга имкон беради, профилактика чоралари сифатини оширишга, шунингдек, юрак ишемик касаллиги билан касалланган беморларни бошқаришнинг узлуксизлиги тамойилини сақлашга кўмаклашади. Буларнинг барчаси асоратлар ва ўлимнинг камайишига, иқтисодий харажатларнинг камайишига ва ушбу контингент беморларининг ҳаёт сифатини яхшилашга кўмаклашади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро Давлат тиббиёт институти Эксперт Кенгашининг 2023 йил 18 мартдаги 23-х/001-сонли хулосасига кўра: олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйрук (10.03.2023 й.; №28), ҳамда Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси бўйича буйрук (27.03.2023 й.; №18) билан амалиётга жорий этилди.

“COVID-19 дан кейинги ўткир коронар синдром истиқболининг гемодинамик ва иммунологик предикторлари” мавзусидаги диссертация иши натижалари асосида тайёрланган “Цитокиновая диагностика острого коронарного синдрома у больных, перенесших коронавирусную инфекцию” услубий тавсияномаси ва илмий янгиликларни бошка соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича соғлиқни сақлаш вазирлигига Бухоро давлат тиббиёт институти Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2022 йил 10 ноябрдаги DR52217822-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: Коронавирус инфекциясининг юрак-қон томир асоратлари ва постковид синдроми бўлган беморларда ўткир коронар синдром ривожланишининг хавф омиллари ўрганилди.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Коронавирус инфекциясига чалинган беморларда постковид синдромини ташхислаш учун COVID-19 IgG антителоларини ўрганиш билан цитокин ҳолатини кузатиб бориш, ЎКСнинг олдини олиш ва юрак-қон томир касалликларини даволаш режасини тузиш тавсия этилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси (11.05.2022 й.; №28), ҳамда Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси (6.05.2022 й.; №18) буйрук билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Постковид синдромни ва иммун яллиғланиш маркёрларини инобатга олган ҳолда юрак қон-томир касалликлари учун хавф омилларини баҳолаш дастури таклиф этилган. Бу умумий амалиёт шифокорлари, кардиологлар ва терапевтларга олиб бориш тактикасини танлаш, даволашнинг мақбул усулини танлашга имкон беради, профилактика чоралари сифатини оширишга, шунингдек, юрак ишемик

касаллиги билан касалланган беморларни бошқаришнинг узлуксизлиги тамойилини сақлашга кўмаклашади.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ўткир коронар синдром ривожланишида хавф омилларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш орқали фақатгина шунга мос текширув усуллари амалга ошириш натижасида 1 нафар бемор учун сарфланадиган харажатлардан 1 400 000 сўмга иқтисодий самарадорликка эришилди.

Хулоса: Постковид синдром фонида кечадиган ўткир коронар синдром билан оғриган беморларда хавф омилларининг аҳамиятини ўрганиш натижасида ҳар 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 1 400 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “COVID-19 дан кейинги ўткир коронар синдром якуни истикболининг гемодинамик ва иммунологик предикторлари” мавзусидаги диссертация иши натижалари асосида тайёрланган “Цитокиновая диагностика острого коронарного синдрома у больных, перенесших коронавирусную инфекцию” услубий тавсияномаси ва илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Бухоро давлат тиббиёт институти Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2022 йил 10 ноябрдаги 1822-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: Постковид синдроми билан кечадиган ЎКСда IL-6, VEGF-A нинг 2 маротаба юқори концентрацияда аниқланиши ишемик неоангиогенез ва коронар томирлар эндотелийининг яллиғланиш инфилтратциясини акс эттирувчи предикторлар сифатида, коронавирус инфекцияси билан боғлиқ бўлмаган ЎКСда IL-1 ва TNF α нинг ошиши ЎКСда миокарднинг ишемик шикастланишига жавобан яллиғланиш цитокинларини ишлаб чиқаришга қаратилган эндоген реакция предикторлари сифатида белгиланди.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Бирламчи соғлиқни сақлаш тизимида юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда эхокардиография ва дуплекс ангиосканерлаш ёрдамида юрак ва қон томирларини реструктуризациясини аниқлаш ва ЎКСда беморларни касалхонага ётқизишнинг биринчи кунда эндотелиал шикастланиш предикторлари VEGF-A, IL -1 ва IL -6 ни аниқлаш тавсия этилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси (11.05.2022 й.; №28), ҳамда Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси (6.05.2022 й.: №18) буйруқ билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Тадқиқот асосида постковид ҳолатдаги беморларда ўткир коронар синдромнинг клиник хусусиятлари ва цитокин статуси ўрганилган, постковид синдромининг мавжудлигига кўра қоннинг функционал ва биокимёвий кўрсаткичлари баҳоланган, иммунологик кўрсаткичларнинг ЎКС нинг ривожланиш хавфи билан боғлиқлиги аниқланган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: қонда коронар қон томирлар окклюзияси предикторларини аниқлаш натижасида инвазив

муолажалар сонини камайтириш ва касалликнинг миокард инфарктига трансформациясини башоратлаш имконини берди ва ҳар 1 нафар бемор учун 1 370 000 сўм иқтисод қилинди.

Хулоса: Ўткир коронар синдром бўлган беморларда коронар тромбознинг иммунологик предикторларни аниқлаш ҳисобидан ҳар 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 1 370 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “COVID-19 дан кейинги ўткир коронар синдром якуни истиқболнинг гемодинамик ва иммунологик предикторлари” мавзусидаги диссертация иши натижалари асосида тайёрланган “Цитокиновая диагностика острого коронарного синдрома у больных, перенесших коронавирусную инфекцию” услубий тавсияномаси ва илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Бухоро давлат тиббиёт институти Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2022 йил 10 ноябрдаги 1822-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: GRACE шкаласи натижаларининг, IL-6 ва коронавирус инфекциясининг оғирлик даражаси билан кучли ижобий корреляцион боғлиқликлари ЎКСни башорат қилувчи сифатида постковид синдроми бўлган беморларда ушбу цитокиннинг юқори прогностик қийматини кўрсатди. Постковид синдроми бўлган беморларда IL-6 нинг сезиларли даражада юқори концентрацияси коронавирус инфекциясига жавобан ушбу цитокиннинг ошиши аниқланди. Коронар тромбоз ва эндотелиал дисфункция предикторлари сифатида CD40L, VEGF-A ва IL-6 аниқланди. Неоангиогенез жараёнларини акс эттирувчи цитокин VEGF-A беморларнинг ёши ва коронавирус инфекциясининг оғирлик даражаси билан кучли мусбат боғлиқлиги аниқланди.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда ЎКС ривожланишининг эрта олдини олиш ва постковид синдроми билан ЎКСнинг дифференциал диагностикаси учун зардобдаги атеротромбоз омиллари Д-димер ва фибриногенни, липид спектри, IL-6, CD40L ва VEGF-A цитокинларини таҳлил қилиш тадбиқ этилган. ЎКС ривожланишини эрта башорат қилиш учун қонда фибриноген, IL-6 ва CD40L ни биринчи йилда ҳар чоракда динамикада, кейинги 2 йил ичида эса ҳар ойда аниқлаш тавсия этилган.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси (11.05.2022 й.; №28), ҳамда Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси (6.05.2022 й.: №18) буйруқ билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: касалликнинг миокард инфарктига ўтишини олдини олиш чораларини белгилайди, юзага келиши мумкин бўлган асоратларни бартараф этиш усуллари оптималлаштиради.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: 1 нафар бемор учун миокард инфарктини олдини олиш натижасида

шошилиш кардиология ва реанимация бўлимларида стационар даволаш харажатларини қисқартириш орқали 950 000 сўм тежалди.

Хулоса: Ўткир коронар синдром прогностик мезонларни баҳолаш орқали миокард инфарктини олдини олиш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 950 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “COVID-19 дан кейинги ўткир коронар синдром якуни истиқболнинг гемодинамик ва иммунологик предикторлари” мавзусидаги диссертатсия иши натижалари асосида тайёрланган “Цитокиновая диагностика острого коронарного синдрома у больных, перенесших коронавирусную инфекцию” услубий тавсияномаси ва илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Бухоро давлат тиббиёт институти Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2022 йил 10 ноябрдаги 1822-сон хат юборилган.

Илмий янгиликнинг моҳияти: ЎКС билан оғриган барча беморларда Д-димер, фибриноген ва CD40L нинг тромботик асоратлар ривожланишида прогностик қиймати исботланди. Матрицали металлопротеиназа MMP-9 ва CD40L нинг атеросклеротик пилакча бекарорлашувининг предикторлари сифатида прогностик қиймати исботланди. ЎКСнинг биринчи кунда қон зардобиди NTproBNP даражасининг ошиши ва Тропонин Т билан кучли мусбат корреляцион боғлиқлиги оксидловчи стресс ва кардиомиоцитлар некрозининг оғирлик даражасини башорат қилиши аниқланди.

Илмий янгиликнинг аҳамияти: Оилавий поликлиникалар, кўп тармоқли ва ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари кардиологларининг амалий фаолиятига ЎКС хавф омиллари ва прогностик мезонларини киритиш тавсия этилди.

Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Бухоро вилоят Бухоро туман тиббиёт бирлашмаси (11.05.2022 й.; №28), ҳамда Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси (6.05.2022 й.: №18) буйруқ билан амалиётга жорий этилди.

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги коронавирус инфекциясига чалинган беморларда постковид синдромини ташхислаш учун COVID-19 IgG антителоларини ўрганиш билан цитокин ҳолатини кузатиб бориш, ЎКСнинг олдини олиш ва юрак-қон томир касалликларини даволаш режасини тузиш тавсия этилган.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда постковид синдром кардиоваскуляр асоратларини олдини олиш натижасида ҳар 1 нафар бемор учун 760 000 сўмга иқтисодий самарадорликка эришилди.

Хулоса: Постковид синдром оқибатида кечадиган ўткир коронар синдромнинг иммунологик ва гемодинамик предикторларини амалиётга жорий қилиниши 1 нафар бемор учун бюджет маблағларини 2 600 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 1 880 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди.

Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: “COVID-19 дан кейинги ўткир коронар синдром якуни истиқболнинг гемодинамик ва

иммунологик предикторлари” мавзусидаги диссертация иши натижалари асосида тайёрланган “Цитокиновая диагностика острого коронарного синдрома у больных, перенесших коронавирусную инфекцию” услубий тавсияномаси ва илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Бухоро давлат тиббиёт институти Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори томонидан 2022 йил 10 ноябрдаги 1822-сон хат юборилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асосланган, ўрганилган объект ва предмети тавсифланган. Мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг илмий ва амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ҳақида маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши ҳақида маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Ўткир коронар синдромнинг замонавий этиопатогенетик механизмлари”** деб номланган биринчи бобида замонавий маҳаллий ва хорижий адабиётлар, шу жумладан ўткир коронар синдром ва юрак ишемик касаллигининг этиологияси ва патогенези бўйича янги маълумотлар таҳлил қилинган. Ўткир коронар синдромнинг янги иммунологик бўғинлари таҳлил қилинган, постковид синдромда юрак ва қон томирлари зарарланишининг иммунологик маркёрлари сифатида цитокинларнинг ташхисий қиймати тавсифланган. Кейинги тадқиқотларни талаб қиладиган мунозарали масалалар келтирилган.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи берилган ва махсус тадқиқот усуллари тавсифланган. Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ, тадқиқотга 126 нафар ўрта ёшли бемор киритилган, уларнинг ўртача ёш кўрсаткичи $52,4 \pm 1,27$ ёшни ташкил этган.

Тадқиқотга киритиш мезонлари клиник ЎКС билан касалхонага ёқизилган ЭКГ ва/ёки кардиоспецифик ферментлар динамикаси ўзгаришлари билан тасдиқланган юрак ишемик касаллиги, ташхисланган 45-59 ёшли

беморлар бўлган. Белгиларнинг намоён бўлишининг бошланиши касалхонага ётқизирилишидан 24 соат олдин бўлган. ЎКС ни тасдиқловчи клиник белгилар (≥ 20 мин. давомида тинч ҳолатдаги анигноз оғриқ, камида III-функционал синфдаги (ФС) илк марта пайдо бўлган стенокардия. Стенокардия функционал синфининг III ФС гача кучайиши) ва ЭКГ да ST кўтарилиши билан ЎКС белгиларининг мавжудлиги (ёки ЭКГ да ўзгаришларнинг бўлмаслиги). Анамнездан келиб чиқиб, беморлар ЎКС ривожланишидан ўртача 6 ой олдин COVID-19 ўтказган. “Постковид синдром” ташҳиси (МКБ-10 U09.9) SARS-CoV-2 га IgG антителоларнинг мавжудлиги билан клиник ва лаборатор тасдиқланган.

Тадқиқот гуруҳлари беморлар ёши, жинси, артериал гипертензия, чекиш, гиподинамия, дислипидемия каби ЮҚТК хавф омиллари мавжудлиги бўйича ўзаро репрезентатив бўлган.

Қуйидаги белгилардан камида биттасининг мавжудлиги ЎКС клиник кўриниши сифатида тавсифланган: тинч ҳолатда ангиноз хуружнинг ривожланиши ва/ёки ангиноз хуружнинг давомийлиги >20 дақиқа ва/ёки илк марта пайдо бўлган II-III функционал синфдаги (ФС) зўриқиш стенокардияси ёки прогрессирловчи стенокардия (III-IV ФС даги юклама остида ангиноз хуружларнинг пайдо бўлиши).


Тадқиқотлар Хелсинки декларациясига мувофиқ амалга оширилган.

Барча беморларга зарур функционал текширувлар (ЭКГ, ЭхоКГ, коронароангиография (КАГ), УТТ, рентгенография) билан бир қаторда қоннинг оксил, липид ва углевод спектрини, коагулограммани, иммуноглобулинларни, цитокинларни қон зардобида ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилган.

Натижаларни статистик қайта ишлаш Microsoft Office XP дастур пакетидagi (Microsoft, АҚШ) “Excel” дастури ёрдамида амалга оширилган. Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариацион статистика усулларидадан фойдаланган ҳолда амалга оширилган. Ўртача фарқларнинг ишончлилиги Студент мезони (t) асосида тақсимотнинг нормаллигини ва умумий дисперсияларнинг тенглигини текширишда хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан баҳоланган (Фишернинг-F мезони). Корреляцион таҳлил Пирсон усули (r) ёрдамида амалга оширилган ва Чеддок шкаласи бўйича баҳоланган (2015).

ЎКС билан касалланган беморларни жинси бўйича тақсимлашда аёлларга нисбатан – 45 (35,7%) эркакларнинг - 81 (64,3%) устунлик қилиши аниқланган.

ЎКС нинг дастлабки аломатлари бошланганидан касалхонага ётқизиш вақтига кўра, дастлабки 2 соат ичида 36 (28,6%) бемор, дастлабки 6 соат ичида 57 (45,2%) бемор ва 12 соат ичида 33 (26,2%) бемор қабул қилинган. Касалхонага келгунича биринчи ёрдамни 28 (22,2%) беморлар қабул қилишган ва тез ёрдам машинасида марказга етказилган, 98 (77,8%) бемор касалхонага мустақил етиб келган, уларнинг 22 (17,5%) нафари бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан юборилган (1-расм).



1-расм. Касалхонага келиш муддатлари бўйича тақсимот


Ўтказилган касалликлар бўйича анамнестик маълумотлар ўрганилганда, 64 (50,8%) нафар бемор гипертония касаллиги, юрак ишемик касаллиги, стабил стенокардия ташҳиси билан диспансер рўйхатида турган, улар режали амбулатор давони қабул қилган, 22 (17,5%) нафар бемор илк марта тиббий ёрдамга мурожаат қилишган ва илгари юрак қон-томир тизимидан ҳеч қандай шикоят қилишмаган, 40 (31,7%) нафар беморда эса артериал гипертензия, ангиноз оғриқ эпизодлари мавжуд бўлган, аммо малакали тиббий ёрдамга мурожаат қилмаган. Анамнез йиғишда ЎКС билан касалланган 81 (64,3%) нафар беморда даволанишга паст мувофиқлик аниқланган.

Диссертациянинг “**Ўткир коронар синдром кечишининг клиник хусусиятлари**” деб номланган учинчи бобида беморларда ЎКСнинг клиник ва гемодинамик кўрсаткичлари келтирилган, анамнезида коронавирус инфекцияси мавжудлигига кўра, ўткир коронар синдромнинг кардиоспецифик ва биокимёвий белгилари ўрганилган.

ЎКС билан қабул қилинган беморларнинг клиник ташҳисотининг тузилиши қуйидагича бўлган: постковид синдроми (n=62) мавжуд бўлган ЎКС гуруҳида ностабил стенокардия ташҳиси 26 (41,9%) қўйилган, ST сегменти кўтарилиши бўлган ЎКС (STкЎКС) 9 (14,5%), ST сегмент кўтарилиши бўлмаган (STкбЎКС) ЎКС 27 (43,5%) нафар беморда аниқланган. Постковид синдромсиз (n=64) беморларда, ностабил стенокардия 32 (50,0%) беморда, STкЎКС 4 (6,2%) беморда, STкбЎКС 28 (43,8%) беморда аниқланган.

Касалхонага ётқизилган пайтдан бошлаб дастлабки 12 соат ичида барча беморларга коронар ангиография ўтказилган.

Коронароангиографияда 1-гуруҳда 21 (33,9%), 2-гуруҳда 25 (39,1%) бир томирли зарарланиш, 1-гуруҳда 30 (48,4%), 2-гуруҳда 24 (37,5%) икки томирли зарарланиш, коронар артерияларнинг уч томирли зарарланиши постковид синдромли ОКС гуруҳида 11 (17,7%), постковид синдромсиз гуруҳда мос равишда 15 (23,4%) ҳолатда аниқланган (2-расм).



2-расм. Коронар артерияларнинг зарарланиши бўйича тақсимоти, (%)

ТІМІ шкаласи бўйича баҳолашда ўхшаш тенденциялар мавжуд бўлган: 1 - гуруҳда 12 (19,4%) беморларда 0 балл, 16 (25,8%) – 1 балл, 32 (51,6%) - 2 балл ва 2 (3,2%) - 3 балл бўлган. Текширилганларнинг иккинчи гуруҳида 11 (17,2%) – 0 балл, 14 (21,9%) – 1 балл, 34 (53,1%) – 2 балл ва 5 (7,8%) – 3 балл.

1-гуруҳда 36 (58,1%) беморларда зарарланган коронар артерияларнинг стентлаш орқали реперфузия муолажаси ўтказилган, 2-гуруҳда бу кўрсаткич 29 (45,3%) ни ташкил этган. Постковид синдромсиз беморлар гуруҳида ЎКС нинг ўткир миокард инфарктига трансформацияланиши 18 (28,1%) беморда, постковид синдроми бўлган гуруҳда 29 (46,8%) беморда кузатилган, бу ишонарли даражада 1,7 бараварга юқори ва ишемиянинг ҳаётга хавф солувчи оқибатларининг, коронар артерияларда инвазив манипуляцияларнинг натижаси юқори хавфини кўрсатган.

Касалхонага ётқизилган беморлар орасида ЮҚТК хавф омилларини таҳлил қилишда беморларнинг иккала гуруҳида гендер жиҳатдан фарқлар аниқламаган. COVID-19 ташхисланганидан уч ой ўтгач, ЮҚТТдаги ўзгаришлар юқумли жараённинг оғирлигига мутаносиб бўлган. 1-гуруҳдаги барча 62 нафар беморларни ўрганиш натижаларига кўра, 12 (19,4%) беморда енгил кечиш, 20 (32,2%) беморда ўртача оғирликда ва 30 (48,4%) беморда юқумли жараённинг оғир кечиши кузатилган.

Постковид синдромли ЎКС билан касалланган беморларнинг эхокардиограммасида аорта диаметри $3,12 \pm 0,02$ см бўлиб, назорат гуруҳига нисбатан ($3,45 \pm 0,04$ см) енгил даражада аорта стенози кузатилган, барча ЎКС ли беморларда чап қоринчанинг миокард массаси назорат гуруҳига нисбатан кўпроқ бўлган. Постковид синдроми мавжудлигидан қатъи назар, назорат гуруҳи ($68,4 \pm 1,06\%$) билан таққослаганда, чап қоринча зарб ҳажми

фракциясининг сезиларли пасайиши ҳам кузатилган (1 гуруҳда $45,3 \pm 0,97\%$ ва 2 гуруҳда $49,1 \pm 1,03\%$).

Умумий уйқу артериясининг ИМК қалинлиги ўнг томонда ЎКС ли беморларнинг 1-гуруҳида ($1,21 \pm 0,04$ мм) ва 2-гуруҳида ($1,24 \pm 0,03$ мм), назорат гуруҳига қараганда ($0,93 \pm 0,03$ мм) 1,3 бараварга юқори бўлган. Чап умумий уйқу артериясида эса, постковид синдроми бўлган беморлар гуруҳида ИМК қалинлиги $1,3 \pm 0,04$ мм назорат гуруҳига нисбатан $0,89 \pm 0,03$ мм яъни 1,5 бараварга юқори бўлган.

ЎКС билан касалланган беморларда қон липидограммасини ўрганиш умумий холестериннинг назорат гуруҳига нисбатан $5,31 \pm 0,13$ ммоль/л, постковид синдромли ЎКС да умумий холестерин миқдорининг $6,90 \pm 0,14$ ммоль/л гача ва постковид синдромсиз ЎКС да $6,42 \pm 0,12$ ммоль/л гача ошишини кўрсатган. Иккала гуруҳдаги ЎКС ли беморларда паст зичликдаги липопротеинларнинг (ПЗЛП) ошиши фонида, юқори зичликдаги липопротеинларнинг (ЮЗЛП) ишонарли пасайиши атерогенликнинг юқори коэффицентини кўрсатган.

Коронавирус инфекцияси ўтказган беморларнинг коагулограмма кўрсаткичлари референс қийматлардан сезиларли фарқ билан гиперкоагуляция мавжудлигини кўрсатган. Постковид синдроми бўлган ЎКС ли беморларнинг кўрсаткичларини таққослаганда, D-димер концентрацияси 2-гуруҳга қараганда 1,3 бараварга ва назорат гуруҳига қараганда 3 бараварга юқори бўлган.

ЎКС да касалхона ичи ўлими хавфини GRACE шкаласи бўйича ҳисоблашда беморлар томонидан тўпланган баллар постковид синдроми мавжудлигига қараб ўзгариб турган. 2-гуруҳ 11 (17,2%) билан солиштирганда 1-гуруҳдаги юқори хавф 17 (27,4%) нафар беморда кузатилган, бу юқори систолик АБ ва коронавирус инфекцияси бўлган беморларда ЮКС нинг ошиши билан боғлиқ бўлган, ўрта хавф иккала гуруҳда ҳам деярли бир хил 37 (60,3%) ва 38 (59,4%), паст хавфли пациентлар постковид синдромсиз 1-гуруҳда 8 (12,3%) нафарни, 2-гуруҳда эса 15 (23,4%) нафарни ташкил этган.

Диссертациянинг **“Ўткир коронар синдромли беморларнинг цитокин ҳолатини баҳолаш натижалари”** деб номланган тўртинчи бобида ўткир коронар синдромга олиб келадиган ва унинг постковид синдром билан биргаликда кечишига таъсир қилувчи қон зардоби цитокинлари концентрациясини ўрганиш натижалари, иммунологик тадқиқотлар натижалари келтирилган. ЎКС да аниқ индикаторларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган, бу ерда текширишлар учун танланган пациентларда ўрганилаётган қон кўрсаткичларининг кардиоспецифик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги корреляцион таҳлил қилинган.

ЎКС да яллиғланиш жараёнининг фаоллигини баҳолашда SARS COV2 га цитокинлар (ИЛ-1 β , ИЛ-6, ЎНО- α) CD-40, VEGF, CPO, IgG, шунингдек иммунологик кўрсаткичларнинг корреляцион ўзаро алоқаси, липидограмма ва коагулограммалар ўрганилган.

**Ўткир коронар синдромда қон зардоби цитокинларининг кўрсаткичлари
(M±m)**

Кўрсаткичлар	Назорат гуруҳи (n=30)	1-гуруҳ (n=44)	2-гуруҳ (n=42)
IL-1β (пг/мл)	36,2±1,19	52,8±1,55*	50,1±1,23*
IL-6 (пг/мл)	34,3±1,52	72,7±1,71**	46,2±1,64*
TNFα (пг/мл)	24,5±0,86	55,6±1,16***	54,3±1,09***
VEGF-A (пг/мл)	192,7±4,55	281,7±6,08**	236,5±4,77**
CD40L (нг/мл)	8,9±0,45	12,8±0,41**	19,2±0,29***

Изоҳ: *-қийматлар назорат гуруҳи билан таққослаганда ишонарли (*P<0,05; **P<0,01; ***P<0,001)

Шундай қилиб, зардобдаги сарум IL-1β ва TNF-α нинг юқори даражалари ЎКС ли беморлар гуруҳида янада яққол тизимли яллиғланиш реакциясини акс эттиради, аммо постковид синдром мавжудлигидан қатъи назар, бу цитокинларнинг қийматлари деярли бир хил бўлган. Бизнинг тадқиқотимиз, 1-гуруҳдаги ИЛ-1β (52,8±1,55 пг/мл) ва 2-гуруҳда (50,1±1,23 пг/мл) назорат қийматлари (36,2±1,19 пг/мл) дан сезиларли даражада 1,4 бараварга юқори бўлган, ЎНО-α эса 1-гуруҳда (55,6±1,16 пг/мл) ва 2-гуруҳда (54,3±1,09 пг/мл), соғломларга нисбатан 2,2 бараварга юқори бўлган (24,5±0,86 пг/мл) 0,86 пг/мл). Бу эндоген реакциянинг индукциясини, ЎКС да миокарднинг ишемик зарарланишига жавобан яллиғланишни қўлловчи цитокинларни ишлаб чиқаришга қаратилган.


Постковид синдромида ЎКС ИЛ-6 назорат гуруҳига нисбатан ((34,3±1,52 пг/мл) 2 мартага юқори (34,3±1,52 пг/мл) ва постковид синдроми (46,2±1,64 пг/мл) ҳолда ЎКС гуруҳига нисбатан юқори бўлган. VEGF-A даражаси ИЛ-6 ўхшаш тенденциялари такрорланади ва назорат гуруҳига (192,7±4,55 пг/мл) нисбатан 1,5 бараварга юқори (192,7±4,55 пг/мл), сезиларли даражада юқори бўлган (1-жадвал).

